



Fidoyilik —  
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 23-avgust, seshanba,  
97 (23.664)-son

**КУН  
ҲИКМАТИ**

Тадбиркорнинг  
зиёлини қалб амри  
билан қўллаб-  
қувватлаши —  
олижаноблик,  
аммо зиёлининг  
тадбиркордан  
муруват сўраб  
туриши давр  
фожиасидир

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews\_uz



https://twitter.com/zarnews\_uz

**31**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ!

## ТАДБИРКОРЛИК Қўллаб-қувватланади

**Кеча - 22 август куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан навбатдаги очиқ мулоқоти бўлиб ўтди.**

Видеомулоқот тарзидаги учрашувда вилоятимиз тадбиркорлари "Ургут" эркин иқтисодий зонаси ва Самарқанд шаҳридаги студиялардан иштирок этди.

Шунингдек, пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида ҳам вилоятимиздан вакиллар бор эди. Уларга Президентимизнинг Тадбиркорлар куни арафасида эълон қилинган фармойиш ва фармони асосида "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони ҳамда давлат мукофоти тантанали топширилди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш юзасидан беш йўналиш бўйича муҳим ташаббусларни билдирди.

Жумладан, эндиликда корхоналар йиллик айланмаси бўйича

тоифаларга ажратилади. Яъни, 1 миллиард сўмгача бўлгани - микро бизнес, 10 миллиард сўмгача бўлгани - кичик бизнес, 100 миллиард сўмгача бўлгани ўрта бизнес тоифасига киради.

2023 йил 1 январдан бошлаб микро бизнес учун айланмадан олинмаган солиқнинг амалдаги 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган ставкалари ўрнига ягона 4 фоизли солиқ ставкаси жорий этилади.

Айланмаси 1 миллиард сўмдан ошиб, умумий солиқ тўлаш тартибига ўтган корхоналар йил давомида фойда солиғини 2 баробар кам тўлайди.

2023 йил 1 январдан: кичикдан ўрта бизнесга ўтган корхоналар икки йил давомида фойда солиғининг фақат 50 фоизини тўлайди;

мулкни сўғурта қилиш харажатларининг 50 фоизи давлат ҳисобидан қўллаб берилади;

2023 йил 1 январдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилади.

Бундан буён ер ва мулк ажратилиш ҳақидаги қарорларни бекор қилиш фақат суд тартибиде амалга оширилади.

Тадбиркорларга нисбатан янги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга 3 йиллик мораторий эълон қилинади.

Савдо қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик тўлиқ бекор қилинади. Биринчи марта хато қилган кичик бизнес вакилларига жазо чораси қўлланилмайди.

Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳоким ва бошқа ҳудудий раҳбарларга кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдирномалар киритиш ваколатига эга бўлади ҳамда маҳаллий Кенгаш ва ҳокимлар билан ҳар ой қамада икки марта танқидий муҳокамаларни ўтказиши.

Мулоқот муносабати билан ишбилармонларни қийнаётган муаммоларни аниқлаш ва уларга ечим топиш мақсадида ташкил этилган Call-марказ ва штабга 12 мингдан ортиқ му-

жаат келиб тушгани ва уларнинг асосий қисми шу пайтгача ижобий ҳал қилингани таъкидланди. Жумладан, вилоятимиз тадбиркорлари томонидан 1012 та вилоят, 159 та республика даражасидаги мурожаат тушган. Мурожаатларнинг 90 фоиздан ортиғи мулоқотга қадар масъул ташкилотлар томонидан ўрганилиб, муаммога ечим топилди.

Учрашувда вилоят ҳокими Э.Турдимов, "Ургут" эркин иқтисодий зонаси дирекцияси раҳбари Ж.Ҳайдаров Самарқандда тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилган ишлар ҳақида маълумот берди. Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган ташаббус ва белгилаб берилган йўналишлар бўйича амалга ошириладиган ишларга тўхталди.

Ургут туманидаги "SAM ELEKTRO SERVIS" хусусий корхонаси раҳбари Соҳиб Азимов маиший техника воситалари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашёни хориждан импорт қилишида имтиёз яратиш юзасидан давлат раҳбаридан кўмак сўради. Президентимиз бу масала белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, масалага ижобий ечим топилишини билдирди.

### Сайёр қабул

Самарқанд шаҳридаги "Ватанпарвар" боғида ўтказилган навбатдаги қабулда 800 нафарга яқин фуқаро турли масалаларда мурожаат қилди. Жараёнда ҳар бир мурожаатчи вилоятнинг биринчи раҳбари ёки бошқа масъуллар билан бевосита мулоқот қилиб, дарду ташвишини айтиш имкониятига эга бўлди.

## НОУТБУК СЎРАГАН АЁЛ

олдинроқ уй ҳам олган экан



сиз қараган масъулларга нисбатан маъмурий чора кўриш бўйича топшириқ берди. Шунингдек, айтилган кўчага бир ҳафта ичида асфальт ётқизиши билдирилди.

Вилоят ҳокимининг қабулида бир масала билан қайта мурожаат қилганлар ҳам бўлди. Лекин уларнинг барчаси шикоят эмас, аксинча, муаммоси ҳал этилгани учун масъулларга миннатдорлик билдириш мақсадида келганлар ҳам бор эди.

Каттақўрғон туманида ўтказилган сайёр қабулда ҳокимдан маҳалламизни обод қилишда ёрдам беришини сўраган эдим, - дейди Паст Даргом туманининг Болдир маҳалласидан келган Учқун Саломов. -

Самарқанд туманининг Шурбойи маҳалласидан келган Н.Саидмуродов оиласи 30 йилдан буён фойдаланиб келаётган ерда ноқонуний қурилиш бошлангани, агар у ер аукционга чиқарилса, сотиб олишга тайёр эканлигини айтиб мурожаат қилди. Фуқаронинг айтишича, у бу масала билан масъуллар олдида бир неча мартаба борган, аммо улардан қониқарли жавоб ололмаган. Вилоят ҳокими туман мутасаддиларига қаттиқ оғохлантириш бериб, ноқонуний қурилишни тўхтатиш ҳамда ерни қонунда белгиланган тартибда аукционга чиқариш зарурлигини таъкидлади.

Самарқанд шаҳрининг Дўстлик маҳалласида истиқомат қилувчи Г.Хусайнова бошчилигидаги маҳалла фаоллари эса ҳокимдан кўчасини асфальтлаб беришда кўмак сўради.

Кўчамизда 15 та хўжалик истиқомат қилмаиз, - дейди Г.Хусайнова. - Ҳозиргача ҳашар йўли билан оқова тизимини ўтказдик, ариқлар қовладик, шағал ётқизиб, текисладик. Фақат асфальт ётқиши учун қўлимиз "калта"лик қиялпти. Ҳокимнинг олдинги қабулида ҳам қатнашган эдим. Ушанда ҳоким шаҳар ободонлаштириш бошқармасига мурожаатимни ижобий ҳал қилиш бўйича топшириқ берган эди. Лекин орадан шунча вақт ўтди ҳамки, кўчамиздан ҳеч ким хабар олмади.

Э.Турдимов фуқаронинг мурожаатига эътибор

Ҳоким ўшанда "Ўзинг учун эмас, маҳалланг учун сўраясанми? Бу ишни кечиктириб бўлмайдми", деганди. У сўзида турди, қисқа вақтда маҳалламизнинг ички кўчалари асфальт қилиниб, янги симёғочлар ўрнатилди, трансформатор ҳам янгисига алмаштирилди. Бу гал маҳалладорларим номидан миннатдорлик билдириш учун келдим.

Қабулда тўрт мучаси соғ бўла туриб, мурожаат қилганлар ҳам бўлди. Шундай фуқаролардан бири ногирон отасини етаклаб келиб, ҳокимдан бепул ер майдони беришни сўради. Ер ажратиш ҳокимнинг ваколатида эмаслигини билган, дўкон қуриб беришни талаб қилди. Тойлоқдан келган яна бир мурожаатчи аёл эса ноутбук сўради. Масаланинг қизиқ томони, у аввалроқ арзонлаштирилган уй-жой ҳам олган экан. Шундан кейин туман ҳокимлиги бир йилдан ортиқроқ вақт давомида унинг уй-жой учун олган ипотека кредитини қўллаб берган. Доимий равишда ижтимоий ёрдам олиб келадиган бу фуқаронинг синглиси ўқишга кирганда ҳам унинг бир йиллик контракт пули ҳокимлик кўмаги билан тўланган. Шундай бўлса-да, вилоят ҳокими мурожаатчини беумид жўнатмади. Ёшлар ишлари агентлиги унинг синглисига кредит эвазига компьютер олишда ёрдам берадиган бўлди.

Вилоят ҳокими барча мурожаатларни ўрганиш ва ҳал этиш учун тегишли масъулларга йўналтирди. **Асқар БАРОТОВ.**

## ТАДБИРКОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 август куни "Тадбиркорлар куни муносабати билан мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган соҳа вакиллари-дан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Фармонга асосан, Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшиб келаётган 29 нафар тадбиркор мукофотланди.

Улар орасида Самарқанддан Булунғур туманидаги "Metin Group Imprex" МЧЖ раҳбари **Каримов Равшан Муродович** ҳам бор. У "Шухрат" медали билан тақдирланди. \*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 августдаги "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисида"ги фармойишига кўра, мамлакатимизда бизнесдаги муваффақиятлари билан барчага намуна бўлаётган 100 нафар тадбиркор тақдирланди.

**УЛАР ОРАСИДА ҚУЙИДАГИ САМАРҚАНДЛИКЛАР ҲАМ БОР:**

**БОЛТАЕВ Одижон Олимжонвич** - Самарқанд шаҳридаги "Azia metall prof" МЧЖ раҳбари;

**ҚУЧҚОРОВА Гүлбека Алламуратовна** - Паст Даргом туманидаги "BeKa Charos" хусусий корхонаси раҳбари;

**НИЯЗОВА Марям Қодировна** - Каттақўрғон туманидаги "Kutush tola" хусусий корхонаси раҳбари;

**ОМОНОВА Нилуфар Жўрабек қизи** - Самарқанд шаҳридаги "Grand capital developments" МЧЖ раҳбари;

**ЎРОҚОВ Ҳайдар Мухаммадиевич** - Самарқанд туманидаги "Navobod naslii raqqanda" фермер хўжалиги бошлиғи;

**ҲАМДАМОВ Шухрат Содиқович** - Самарқанд шаҳридаги "Sam Rafoat tekstil" МЧЖ раҳбари;

**ШАРИПОВ Шавкат Ўктамонович** - Самарқанд шаҳридаги "Sharq sanoat" концерни раҳбари.

## ШҲТга аъзо мамлакатлар фотографлари Самарқандда

Самарқандда ўтказилиши режалаштирилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити олдиндан ташкилотга аъзо давлатлар фотографлари Самарқандга келди.



ради, - дейди покистонлик фотограф Мухаммад Рамзан. - Шу билан бирга, ШҲТга аъзо давлатлар фотографларининг ижодий маҳоратини намойиш этиш учун замин яратди. Самарқандда темирйўллар даврида бунёд этилган мажмуа ва ёдгорликлар кўп. Ўзбекистонга ана шундай меъморий обидалар акс этган суратни олиб келдим ва уни эсдалик учун қолдираман. **Ф.РЎЗИБОВ.**

Шоҳи Зинда мажмуасида Бош вазир ўринбосари - Туризм ва маданий мерос вазири Азиз Абдуҳакимов мехмонлар билан учрашув ўтказди.

Учрашувда Ўзбекистон, Ҳиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Эрон, Россия Федерацияси, Тожикистон ва бошқа давлатлардан келган 20 нафарга яқин фотограф мамлакатимиз, шу жумладан, Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари, тарихий обид ва қадимжоларидан суратлар тайёрлаш ва уни халқаро кўргазмада намойиш қилиш мақсадида эканини таъкидлади.

Ушбу нуфузли саммит Ўзбекистонда туризм, маданият ва санъат соҳасида олиб борилётган ислохотларга бериладиган баҳони янада оши-

## МАКТАБ ЯРМАРКАЛАРИ: НАРХЛАР ҚАНДАЙ?

Янги ўқув йили бошланишига са-ноқли кунлар қолди. Жойларда 10 августдан мактаб ярмаркалари ташкил этилди. Мактаб ярмаркаларида ўқувчилар учун мактаб формаси ва ўқув қуроллари савдога чиқарилди.

### ШАҲАРДА

Самарқанд шаҳрида бешта ҳудудда, яъни Бўстонсарой кўчасидаги "Китоб олами", Буюк Ипак йўли кўчасидаги "ATLAS" савдо комплекси, Қорасув масканидаги "XALQSEVAR" дўкони, "Самарқанд Ипак йўли" МЧЖ савдо мажмуаси ва "Шодиёна" савдо мажмуаларида мактаб ярмаркалари ташкил этилган.

Самарқанд шаҳар "Самарқанд Ипак йўли" МЧЖ савдо мажмуасида ўқув қуроллари ташқарида алоҳида расталарда сотилапти. Олдин 12 варақли дафтарнинг дониси 1200-1500 сўмдан экан. 1200 сўмлик дафтарнинг орқа томонида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган", деган ёзув бор, холос. Аммо ишлаб чиқарувчи фирма номи, манзили кўрсатилмаган. Аслида бундай ўқув қуроллари савдога чиқарилиши мумкин эмас. 1500 сўмлик дафтарнинг орқасида Тошкентда ишлаб чиқарилгани, манзили, фирма номи кўрсатилган.

Савдо мажмуасининг иккинчи қаватдаги



болалар бўлимида ўқувчилар учун мактаб формалари сотилмоқда. Кичик ёшдаги ўғил болалар учун костюм-шим, нимча комплекти 450 минг сўмдан, оқ кўйлак ўзимизда ишлаб чиқарилгани 190 минг, Туркияники 400-450 минг сўм. Шунингдек, қиз болалар учун ҳам турли ўлчамдаги оқ кофта, юбка савдога чиқарилган. Сотувчининг айтишича, мактаб формаси 2025

йилгача босқичма-босқич жорий этилиши сабабли савдога қўйилмаган. Мактаб формасини фақат мактаблар бюромта асосида тиктирган. Шунинг учун бўлса керак, мактаб ярмаркасида харидорлар жуда кам. Бошқа жойга нисбатан бу ерда нархларнинг бироз қимматлиги ҳам харидорларни чўчитган бўлса ажаб эмас.

### ТУМАНЛАРДА-ЧИ?

Ўқув йили бошланиши олдиндан ҳар йили туманимиз марказида "Мактаб ярмаркаси" ташкил этилиб, ўқув қуроллари арзон нархда сотилиши йўлга қўйилади, - дейди булунғурлик Раббим Хотамов. - Бу йил ҳам "Булунғур буюм бозори" ташаббуси билан туман марказида

мактаб ярмаркаси ташкил этилганидан ота-оналар хурсанд. Ярмаркада мактаб ўқувчилари учун ҳамма ўқув қуроллари бор.

Мактаб ўқувчилари бўлган фарзандларимизга ўқув қуролларини сотиб олиш учун ҳар йили Самарқанд шаҳрига бориб келардик, - дейди ота-оналардан бири Матлуба Худоерова. - Бу ярмаркадан болаларимизга керакли бўлган

ҳамма ўқув қуролларини сотиб олдик.

Айни кунда бошқа туман марказларида ҳам мактаб ярмаркалари иш бошлаган. Шаҳардаги қараганда туман мактаб ярмаркаларидаги маҳсулотлар анча арзон.

### КИМЛАРГА БЕПУЛ МАКТАБ ФОРМАСИ БЕРИЛДИ?

Самарқанд шаҳрида 1747 та оила "Темир дафтар"га киритилган бўлиб, улардан 594 оиланинг 1078 нафар фарзанди умумтаълим мактабларида тахсил олаётганлиги аниқланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 майдаги "Давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини замонавий ягона мактаб формаси билан таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, "Саховат ва кўмак" жамғармаси ҳисобидан ушбу кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига бепул мактаб формаси тарқатилди.

Самарқанд туманида эса 421 оила "Темир дафтар"га киритилган бўлиб, уларнинг мактабда тахсил оладиган 544 нафар фарзанди учун "Ургут саноат сервис" оилавий корхонаси томонидан тикилган мактаб формалари "Саховат ва кўмак" жамғармаси ҳисобидан бепул тарқатилди.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА.

# ИШТИХОННИНГ МАШХУР ҚУРУТЛАРИ



Иштихон туманидаги Чинортепа маҳалласи мазали курутлари билан тилга тушган. Бу ерга Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларидан чакки келтирилади. Тайёрланган курутлар эса водий вилоятларига етиб боради.



Ушбу маҳаллада яшовчи тadbirkор, "Отабек Жамшидбек маҳсулотлари" оилавий корхонаси раҳбари Ҳабибулла Сулаймонов бу ишининг ҳадисини олган. Бундан йигирма йиллар аввал атроф туманларга, баъзида эса бошқа вилоятларга чакки олиб келиш учун эрталабдан йўлга отланардим, - дейди Ҳабибулла ака ишни йўлга қўйгунча ўтган қийинчиликларни эслаб. - Бу ишни бошлаганимда ўзимизнинг шахсий чорвамайдан олинган чаккини, бироздан сўнг қўни-қўшнинг чаккисини йиғиб, курут қилиб, атроф бозорларга сотардик. Секин-аста шу иш билан аввалдан шуғулланаётган кишилар билан маслаҳатлашиб, фаолиятимизни кенгайтиришга эришдик. Курутчиликни тирикчиликдан тadbirkорликка айлантирган

киши кунига ўртача 60-70 минг сўм даромад қилиши имкони бор. Бир оилада тўрт киши шу иш билан шуғулланса, ҳам уй-рўзгор ишини қилиб, ҳам кунлик 250 минг сўм атрофида даромад топади.

Ҳар бир маҳсулотнинг истеъмол мавсуми бўлади. Курутнинг мавсуми ҳам яқин. Қизғи, унинг энг катта истеъмолчиси болалар экан. Мактабларда ўқиш бошланиши билан курут савдоси жонланиб қолиши ҳам шундан. - Биздан олиб кетаётган курутни асосан водий бозорларида сотишади, қадоклаб, қўшни мамлакатларга экспорт қилувчилар ҳам бор, - дейди тadbirkор келажак режалари билан ўртоқлашиб. - Биз ҳам маҳсулотни қадоклашни йўлга қўйишни мақсад қилипмиз. Хитойдан қадоклаш технологиясини олиб келиб, шу ишни йўлга қўйсак, фаолиятимиз кенгайса, даромадимиз ошади, қолаверса, қўшимча иш ўринлари пайдо бўлади.

Сут маҳсулотлари инсон соғлиги учун энг фойдали неъматлардан. Уни доимий истеъмол қилиб юрган киши соғлом бўлади. Аммо яроқлилик муддати, сақлаш шароити каби талаблар ҳам бор. - Албатта, бундай маҳсулотларни ўз ҳолида узоқ сақлаб бўлмайди, - дейди Ҳабибулла ака. - Уни курут ҳолига келтириб сақлаш бирмунча осон. Буюртма асосида келишилган вақтга тайёрлаган маҳсулотларимизни баъзан харидорлар кечикиши сабаб бир-икки кун сақлаб туришга мажбур бўлаемиз. Оқибатда унинг сифати бузилади. Шунинг учун маҳсулоти музлаткич ўрнатдик. Бир неча тоннагача маҳсулотнинг си-

фати бузилмасдан сақлаш имкони яратилади. Кийим-кечак тиқиб сотаётган тadbirkор унинг сифатигагина жавобгар. Аммо озик-овқат бошқа масала. Санитария талабларидан ташқари, ҳалоллик ҳам муҳим, хусусан, курутнинг тайёрланиш жараёнида. Ушбу корхонада бунга жиддий эътибор қаратилган.

- Бу энг биринчи ва муҳим масала, - дейди тadbirkор маҳсулот тайёрланиш жараёни ва шароити билан таништириб. - Шу сабабдан бунга ўзим алоҳида эътибор қаратаман. Ҳатто кооперация асосида ишлаётган оилаларга тарқатганимизда ҳам уларнинг ишлаш шароити, тайёрлаш жараёнига жиддий талаб қўяман. Маҳсулотнинг санитария талабларига жавоб бериши қанчалик муҳим бўлса, унинг ҳалол тайёрланиши бундан-да муҳим. Истеъмолчига озик-овқат маҳсулоти етказиб берар экан, унинг ҳалоллигига жавобгар доимо тadbirkор бўлади. Бу фақат сўзда эмас, амалда ҳам бўлиши лозим. Бу ўринда бизга чакки олиб келаётган тadbirkорларга ҳам шу талабни қўямиз. Сифатига ва бошқа юқорида санаб ўтилган талабларга жавоб берадиган тadbirkорлар билангина ишлаймиз. Курут тайёрлашда чаккига қўшилаётган маҳсулотлар ҳақида айримлар билиб-билмай турли асосиз гапларни гапирди. Курут тайёрлашда буюртмачининг талабига қараб, район ва турли хушбўй ошқўшлар қўшилади. Тўғри, нима қилсам-да, пул топсам бўлди, дейдиганлар ҳам бор. Аммо улар ўзларига зиён қилади.

Тadbirkорликда энг муҳими - ҳалоллик. Бунга эътиборсиз, арзимас жиҳат деб ўйлаган тadbirkорнинг иши юриши, маблағи кўп бўлиши мумкин, аммо бора-бора кечикиши сабаб бир-икки кун сақлаб туришга мажбур бўлаемиз. Оқибатда унинг сифати бузилади. Шунинг учун маҳсулоти музлаткич ўрнатдик. Бир неча тоннагача маҳсулотнинг си-

Сулаймон МАРДИЕВ.

Сўнги йилларда мамлакатимизда давлат хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ислохотлар самараси ўлароқ, яқинда маҳаллий ва ҳорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда чуқур муҳомадалар асосида "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

## Давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти тартибга солинади



Ҳўш, ушбу қонунга қандай эҳтиёж бор эди? Ҳорижий мамлакатлар тажрибаси, давлат хизмати тўғрисидаги қонунларида хизматчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш, давлат хизматида ўсиш, бошқа давлат лавозимига ўтиш, меҳнатига ҳақ тўлаш, давлат фуқаролик хизматчиларининг иш вақти ва меҳнат таштиллари кенг тартибга солинганини кўришимиз мумкин. Бизда эса бугунги кунга қадар давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми белгиланган, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси масалаларини тартибга солиш, давлат фуқаролик хизматидаги кириш, ўташ ва туғатишнинг умумий ёндашувини мустаҳкамловчи қонун мавжуд эмас эди. Яъни, қонунчилик билан давлат фуқаролик хизматчиларига белгиланган мезонлар, уларнинг фаолиятини баҳолаш жараёнлари, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартиблари белгиланмаганди.

Қабул қилинган қонун эса ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишда, давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги давлат сисбати ағоналигини таъминлашда айна мудабо бўлди. 10 та боб ва 64 та моддадан иборат қонун давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақоми, давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги ваколатлар, давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупцияга қарши курашиш, давлат фуқаролик хизматидаги кириш тартиби ва шартлари, давлат фуқаролик хизматчиларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш каби нормаларни ўз ичига олган.

Хусусан, қонуннинг 19-моддасида манфаатлар тўқнашуви нормаси акс эттирилган. Унда манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат фуқаролик хизматчиси ўзининг раҳбарига ёки юқори турувчи давлат органига дарҳол ёзма шаклда хабар қилиши кераклиги ва манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган давлат органининг раҳбари эса ушбу тўқнашувни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шартлиги белгилаб қўйилди. Қонунда давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари билан бирга унинг жавобгарлиги ҳам алоҳида нормада акс эттирилган. 14-моддага асосан, давлат фуқаролик хизматчисининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) тўғрисидаги жисмоний ёки юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрни давлат органи томонидан қопланиши ва ушбу зарар кейинчалик айбдор бўлган давлат фуқаролик хизматчисидан ундириб олиниши кўрсатилган. Агар давлат органи раҳбарининг ёки мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф

топшириғини бажариш натижасида давлат фуқаролик хизматчиси томонидан зарар етказилган бўлса, унинг ўрни давлат органи томонидан қопланади. Кейинчалик зарар миқдори қонунга хилоф топшириқни берган давлат органи раҳбари ёки мансабдор шахсдан регресс тартибда ундирилиши белгилаб берилган.

Қонунда давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бир қатор чекловларнинг ҳам киритилганини кўриш мумкин. Жумладан, яқин қариндошлиқда бевосита бўйсунув остидаги лавозимни эгаллашга, тadbirkорлик фаолияти билан шуғулланишга, ўз хизмат ваколатларини бажариш ёки бажармаслик эвазига фуқаролардан бирон-бир муқофот ёки совғалар олишга, чет давлат фуқаролигини олишга, Ўзбекистондан ташқарида ҳисобварақлар очишга, қўчмас мулкка эгаллик қилишга, шунингдек, ҳужжат билан коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор, деб топилган шахсларни давлат фуқаролик хизматида қабул қилишда ҳам чекловлар ўрнатилган.

Шу ўринда яна бир савол туғилиши мумкин: ҳўш, қимлар ва қайси ходимлар давлат фуқаролик хизматчилари ҳисобланади? Албатта, давлат органлари ва давлат ташкилотларидаги ходимлар давлат фуқаролик хизматчилари ҳисобланади. Бироқ ҳамма ходимлар ҳам давлат фуқаролик хизматчилари бўлмайди.

Қайд этилган қонуннинг 4-моддасига асосан, давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимларда ишловчи ходимларга давлат фуқаролик хизматчилари ҳисобланади. Тўғри, ҳозирча реестр йўқ. Лекин янги қонуннинг 22-моддасига асосан, давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестри Президент томонидан тасдиқланиши кўрсатилган.

Яна бир гап. "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасига биноан шундай давлат хизматчилари борки, гарчи улар давлат органи таркибида бўлса-да, уларга ушбу қонундаги давлат фуқаролик хизматчилари мақоми қўлланмайди.

Булар: - Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакилилик органилари депутатлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати девони ходимлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, судьялар ва суд тизими ходимлари, Марказий банк бошқаруви аъзолари, прокуратура, ички ишлар, мудофаа ишлари, фавқулодда вазиятлар, Миллий гвардия, Давлат божна хизмати, ДХХ, Президент хавфсизлик хизмати органиларида ишлаётган хизматчилар, шу билан бирга, ҳарбий хизматчилардир. Бундан ташқари, давлат органларининг техник, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ходимларига ҳам ушбу қонун бўйича давлат фуқаролик хизматчилари сифатида қаралмайди.

Элёр ҲАМРОЕВ, "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати вилоят ҳудудий бўлинимаси раҳбари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.

## Хонадонларга яна 10 минг дона газбаллон етишмайди

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ислохотлар самарадорлигини ўрганиш натижаларида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тузилган "Йўл харита"сида "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти филиалига бир қатор вазифалар белгиланган.



Мазкур ташкилот вилоятдаги 809 маҳаллада истиқомат қилувчи 498397 нафар аҳоли ва 384 та ижтимоий соҳа объектига табиий газ етказиб беради. Қолган маҳаллалардаги хонадонлар 564778 дона маиший газбаллонлари билан таъминланган. Яқинда аҳолининг газбаллонларга бўлган талабини аниқлаш мақсадида ўтказилган хатловда қўшимча эҳтиёж борлиги аниқланди. Сўнги вақтларда аҳолининг суолтирилган газга бўлган эҳтиёжи ортиб бормоқда, - дейди "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти филиали директори Ансор Мухаммадиев. - Июль ойида истеъмолчиларга 46769 тонна газ маҳсулоти етказиб берилди. Хатлов жараёнида қўшимча эҳтиёж мавжуд бўлган хонадонларга 9800 дона газбаллон тарқатилди. Қолган қисмини харид қилиш бўйича "Hududgazta'minot" акциядорлик жамиятига талабнома киритдик ва "Бухоро-таъмирмеханика" корхонаси билан шартнома туздик. Яқин кунларда улар ҳам аҳолига етказиб берилди. Аҳолини суолтирилган газга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида қондириш мақсадида бугунги кунда газ қўйиш со-

хобчалари сони 8 тага етказилди. Маҳаллабай тарқатиш учун "Isuzu" махсус автомашиналари сони 91 тага, йирик ҳажмли "Chakman" махсус автоулови 3 тага қўйилди. Шуниингдек, яна қўшимча 6 та "ЗИЛ" русумли автомашина ҳам жалб этилди. "Hududgazta'minot" АЖ томонидан республика бўйлаб суолтирилган газнинг ҳисоб-китобини юритишда автоматлаштирилган тизим жорий этилмоқда. Бу истеъмолчи ва таъминотчи учун ҳар томонлама қулай бўлиб, бугунги кунда вилоятда истеъмол учун маиший газбаллонларнинг барчасига махсус штрих кодли стикерлар ўрнатилди. Айна вақтгача истеъмолчиларга 498397 та ID-карталар тарқатилди. "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастури доирасида олиб борилаётган ишлар юзасидан аниқланган камчиликлар ҳам бартараф этилди. Жумладан, 6,4 километр ўрнига 8 километр газ тармоқлари жорий таъмирланиб, 36 та газ тақсимлаш пункти тафтиш қилинди. Белгиланган вақтда тарқатилмаган 1187 дона суолтирилган газбаллонлар ўз эгаларига етказиб берилди. Дилмурод ТЎХТАЕВ.



Паст Дарғом туманидаги Тор ариқ маҳалласида яшовчи тadbirkор Дилобар Худоевора "Дилимшод Дилимшод Мадина ширинликлари" хусусий корхонасини ташкил қилиб, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. - Фаолиятимизни 2017 йилда бошлаганимиз, - дейди тadbirkор. - Айна пайтда цехимизда 4 турда маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. Бозор талабидан келиб чиқиб, ширинликларнинг янги турини тайёрлаш, уларнинг сифатли ва мазали бўлиши устида иш олиб бораёпмиз. Келгусида банкдан имтиёзли кредит олиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириб, янги иш ўринлари яратмоқчимиз. Бахтиёр МУСТАҲОВ олган сурат.

## Вилоятда 42 та микромарказ ташкил этилади

Ихтисослашув ва ўсиш нуқталари инobatга олиниб, маҳаллаларда саноат, хунармандчилик, касаначилик ва чорвачилик фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолият юритиш шароитларини яхшилаш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳаллаларда саноат, хунармандчилик, касаначилик ва чорвачилик микромарказларини ташкил этиш чора-тadbirkорлиги тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан маҳаллаларда саноат, хунармандчилик, касаначилик ва чорвачилик йўналишларида ташкил этиладиган микромарказларнинг манзилли рўйхати ва микромарказларни истиқболда ташкил этиш режаси тасдиқланди. Вилоятимизда 2023 йилнинг январь ойида Самарқанд шаҳрида 2 та микромарказ ташкил этилиши режалаштирилган бўлиб, қолган туман (шаҳар)ларда 42 та микромарказ ташкил этиш кўзда тутилган. Микромарказлар маҳаллалар ёки маҳаллаларнинг туташ ҳудудларида бўш турган давлат мулки объектлари негизида ёки қишлоқ хўжалиғига мўлжалланмаган бўш турган ер майдонида ташкил қилиниб, майдони давлат мулки объектнинг 150 квадрат метридан ёки ер участкасининг 0,1 гектаридан ошмаслиги лозим. Бунда давлат мулки объекти ёки ер участкаси майдони белгиланган миқдордан ошганда, бир ҳудудда бир неча микромарказлардан иборат микромарказлар комплекси ташкил қилиниши мумкин. Бу каби марказлар заруратга қараб, ҳар бир маҳалла учун алоҳида ёки бир неча маҳалла учун аҳолига қулай бўлган жойларда ташкил қилиниб, давлат мулки

объектлари ва ер участкаларини белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион орқали тadbirkорларга ижара ҳуқуқи асосида бериш йўли билан амалга оширилади. Микромарказларни ташкил қилиш учун давлат мулки объектлари ва ер участкалари тadbirkорларга ўз маблағлари ҳисобидан давлат мулки объектларини реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш ёхуд ер участкасида бино-иншоотларни қуриш, тасдиқланган намунавий шаклга мувофиқ микромарказ ташкил этиш, ижара муддати мобайнида белгиланган фаолиятни амалга ошириш ҳамда микромарказда саноат, хунармандчилик, касаначилик фаолият йўналишлари бўйича камида 10 та ёки чорвачилик йўналиши бўйича камида 3 та ёки ўрни яратиш ва таъмирлаб бориш шартли билан 5 йил муддатга ижарага берилди. Тadbirkорлар белгиланган шартлар тўлиқ бажарилганидан сўнг ўз маблағлари ҳисобидан ер участкасида қурилган

бино-иншоотларга мулк ҳуқуқини расмийлаштириш, давлат мулки объектларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларининг харажатлари чегириб ташланган ҳолда белгиланган тартибда аниқланган баҳолаш қиймати бўйича ушбу объектларни хусусийлаштириш ҳуқуқига эга бўлади. Микромарказларнинг архитектура-режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, ер участкаларини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш, микромарказларни зарур таъмир-таъмирлаш-коммуникация ва транспорт тармоқларига улаш ҳамда уларни қуриш вилоятлар ҳокимликлари томонидан вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобига лойиҳа ташкилотларини жалб қилган ҳолда амалга оширилади. Микромарказлар фойдаланишга топширилган кундан бошлаб 3 йил муддатга ташкил этилган объектлари ва улар жойлашган ер участкалари бўйича юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва мол-мулк солиғи учун солиқ ставкаси 50 фоиз миқдорда қўлланилади. Бахтиёр РАФЕЕВ, вилоят маҳаллабай ишлаш ва тadbirkорликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи.

# AGROBANK

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ  
БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни, шу жумладан, банк  
мижозларини Ватанимиз мустақиллигининг  
31 йиллиги билан қутлайди.*

*Банкимиз сизларга қуйидаги омонат турларини таклиф этади:*

### МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:

1. “Бахтли болалик” жамғарма омонати. Омонатга маблағлар 36, 60 ва 120 ой муддатларга, йиллик устамаси қайта молиялаш ставкасида қабул қилинади. Омонатнинг энг кам миқдори - 100 000 сўм.
2. “Прогресс” муддатли омонати. Омонатга маблағлар 13 ой муддатга, банкка келган ҳолда йиллик 22 фоиз, онлайн йиллик 23 фоиз ставкаларида қабул қилинади. Омонатнинг энг кам миқдори - 500 000 сўм.
3. “Комфорт” жамғарма омонати. Омонатга маблағлар 13 ой муддатга, банкка келган ҳолда йиллик 21 фоиз, онлайн йиллик 22 фоиз ставкаларида қабул қилинади. Омонатнинг энг кам миқдори - 500 000 сўм.

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:

1. “Капитал” муддатли омонати. Омонатга маблағлар 3 ойга йиллик 2,5 фоиз, 6 ойга йиллик 3 фоиз, 9 ойга йиллик 3,5 фоиз, 13 ойга йиллик 4 фоиз ставкаларида қабул қилинади. Омонатнинг энг кам миқдори - 100 АҚШ доллари.
2. “Экспресс” жамғарма омонати. Омонатга маблағлар 3 ойга йиллик 2 фоиз, 9 ойга йиллик 2,5 фоиз, 13 ойга йиллик 3 фоиз, 18 ойга йиллик 3,5 фоиз ставкаларида қабул қилинади. Омонатнинг энг кам миқдори - 100 АҚШ доллари.



Хизматлар лицензияланган.

# “САМАРҚАНД ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ”

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
ЖАМОАСИ

*барча*

*юртдошларимизни*

*энг улуғ, энг азиз байрам –*

## МУСТАҚИЛЛИК

## КУНИ

*билан табриклайди.*



Маҳсулотлар сертификатланган.

# “УРГУТ САВДО КОМПЛЕКСИ”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ  
ЖАМОАСИ

*вилоятимиз аҳли ва меҳмонларини  
истиқлолимизнинг*

## 31 ЙИЛЛИГИ

*билан муборакбод этади.*



Хизматлар лицензияланган.

### “САМАРҚАНДИЎЛОВЧИТРАНС” ДК ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасининг 2022 йил 25 июлдаги “Самарқанд шаҳар Гагарин кўчаси, 23-уй манзилда жойлашган “2531-сонли автожамланма” биноларини бузиш тўғрисида”ги 17-БК-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, “Самарқандиёловчитранс” ДК балансида бўлган Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 23-уй манзилда жойлашган “2531-сонли автожамланма” бинолари яроқсиз ҳолга келиб қолганлигини эътиборга олиб, мазкур объектни бузиш бўйича қурилиш корхоналари ўртасида танлов эълон қилинади.

#### Танлов шартлари:

1. Танловда объектларни бузиш бўйича тажрибага эга бўлган юридик шахслар таклиф этилади;
  2. Объектни бузиш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммаси келишув асосида амалга оширилади;
  3. Объектни бузиш муддати 1 ой.
- Мурожаат учун манзил:**  
**Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 23-уй. Телефонлар:**  
+99898-210-71-00, +99890-504-65-12, +99890-458-26-26.

#### ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Тойлоқ туманидаги “ZARINA NUR SAHOVATI” хусусий корхонаси (СТИР: 306782993) ташкилий-ҳуқуқий шаклини “ZARINA NUR SAHOVATI” масъулияти чекланган жамиятига ўзгартиради. “ZARINA NUR SAHOVATI” масъулияти чекланган жамияти “ZARINA NUR SAHOVATI” хусусий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Тойлоқ тумани Бирлик маҳалласи.**

Жомбой туманидаги “YORQIN VA ZIYOLI” нодавлат таълим муассасаси (СТИР: 306778561) ташкилий-ҳуқуқий шаклини “YORQIN VA ZIYOLI” масъулияти чекланган жамиятига ўзгартиради. “YORQIN VA ZIYOLI” масъулияти чекланган жамияти “YORQIN VA ZIYOLI” нодавлат таълим муассасасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча даъволар газетада

эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Маҳмуд Қошғарий кўчаси, 63-уй.**

\*\*\*

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Абдуразақов Зоҳиджон Ражабовичга (2021 йил 14 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 73-уй.**

\*\*\*

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Турдибаев Уракбой Тухтабаевичга (2021 йил 6 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

\*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисраовна нотариал идорасида марҳум Раҳимова Куброга (2016 йил 25 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисраовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

\*\*\*

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Буриев Парманкул Ишанкуловичга (2022 йил 2 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

\*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Нурқосимов Жамшид Сайфидинович нотариал идорасида марҳум Раҳимов Фарход Қасимовичга (2020 йил 3 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муно-

сабат билан меросхўрларнинг Нурқосимов Жамшид Сайфидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Панжоб кўчаси, 4-уй.**

\*\*\*

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Анорбаев Хамид Ҳамзаевичга (2021 йил 1 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

\*\*\*

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**  
Самарқанд шаҳар мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 13-сон давлат мактабгача таълим ташкилотининг (СТПР: 207022484) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали академик лицейидан 2020 йилда Эргашев Фирдавс Фарход ўғли номига берилган рўйхат рақами 72, L № 0021507 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Ургут туманидаги «ТОПОГЕО-ПРОЕКТ» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 306930319) дубликат думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Ўзбекистон Собиржон Зойировичдан Ўзбекова Салима Кадировна номига 2021 йил 16 декабрда берилган рестр рақами 202101714005623 бўлган ID: 18938473 рақамли қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Тойлоқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежидан 2017 йилда Бердиев Мамуржон Зафар ўғли номига берилган рўйхат рақами 181, К № 4708512 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Самарқанд шаҳридаги Қорасув масканида аёллар гўзаллик салоҳи мебеллари **СОТИЛАДИ**. Нархи келишилган ҳолда. **Мурожаат учун телефонлар: (88) 391-71-30, (90) 213-11-22, (90) 213-97-86.**

